

Қалб саломатлиги жаннатга олиб борувчи энг қисқа йўл



14:00 / 06.06.2022 3368

Бир киши Умар ибн Хаттоб розияллоху анхунинг олдига келиб деди:

- Мен бир кишининг олдидан келяпман, у одамларга Қуръонни ёддан имло қиляпти!

Умар розияллоху анху ғазабга минди. У кишига деди:

- Ҳой нима деяётганингни биляпсанми?

- Мен ҳақ гапни айтяпман!

- Ким экан ўша кимса?

- Абдуллоҳ ибн Масъуд!

Шунда Умар ибн Хаттоб розияллоху анху деди:

- Бунга ундан кўра ҳақлироқ кишини билмайман. Бу ҳақида сенга айтиб бераман. Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг бир ишлари билан Абу Бакрнинг уйида тунаб қолдик. Сўнгра у ердан чиқдик. Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам мен билан Абу Бакрнинг ўртамизда эдилар. Масжидга етиб борганимизда бир киши Қуръон ўқиётган эди. Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам тўхтаб унга қулоқ солиб турдилар. Мен у кишига:

- Эй Аллохнинг Расули! Кеч бўлди, юрайлик!,- дедим.

Аллохнинг Расули менга «жим бўл» дегандек ишора қилдилар. Қуръон ўқиётган киши рукуъ қилди, сажда қилди. Сўнг ўтириб дуо қилиб истиффор айта бошлади. Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам унга: «Сўра, сенга берилади!», деб турдилар. Кейин бизга дедилар:

- Ким Қуръонни янги нозил бўлганидек ўқимоқчи бўлса, Ибн Умми Абднинг қироати каби ўқисин!

Мен ва Абу Бакр ана шунда унинг Абдуллох ибн Масъуд эканлигини билдик! Эртаси куни тонг отгач, Ибн Масъудга кечаги хушхабарни етказиш учун шошилдим. Унинг олдига бориб бўлиб ўтган воқеани айтсам у менга: «Сендан олдин Абу Бакр келиб менга айтган эди!», деди. Бирор бир яхшиликда Абу Бакрдан ўза олмадим!

Бу ҳикоя саҳобалар бир-бирларига яхшиликни қанчалар ишташганига далолат қилади. Улардан бири бирор-бир соҳада барчадан ўзиб кетса буни уларнинг ҳар бири ўзининг бойлиги деб билиб шодланар эди. Улар бир-бири билан рақобат қилмас, аксинча бир-бирини тўлдирар эди. Бирлари бошқаларидан ўзиб кетса унга ҳасад ва рашк қилишмас эди. Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам улардан бирини мақтасалар бошқаларининг қалби сиқилмас эди. Яхшиликни ўзларига ишташгани каби бошқаларга ҳам иташар эди. Уларнинг кўксилари саломат, қалблари покиза эди. Абу Бакр ва Умар розияллоху анхумо ибн Масъуд розияллоху анхуга яхши хабарни етказишда шошилишяпти!

Бошқаларнинг муваффақиятга эришиши сизнинг муваффақиятни қўлдан чиқаришингиз эмас. Бошқаларнинг бой бўлиши сизнинг фақирлигингиз эмас. Бошқаларнинг саодатли бўлиши сиз учун бахтсизлик эмас. Қалбингизни тозаланг. Уни яхшилик ва кишиларга муҳаббат қилишга ўргатинг. Кишиларнинг хурсандчилигидан шодланишга уни

одатлантиринг. Уларнинг хафалигидан маҳзун бўлишга уни
одатлантиринг. Жаннатга олиб борадиган энг қисқа йўл қалб
саломатлигидир!

Яхшилик элчиси бўлинг. Сулаймон алайҳиссаломнинг Худҳуди каби саҳиҳ
хабарни етказувчи бўлинг. Нуҳ алайҳиссаломнинг кабутари каби
тўфоннинг тугагани ҳақидаги хурсандчилик хабарини беринг!

Инсонлар орасида яхшилик билан юринг. Бир инсоннинг орқасидан
айтилган у ҳақидаги ширин сўзларни бошқаларга етказинг. Ёмон гапларни
эса яширинг. Инсонлар орасида чақимчилик қилманг. Акс ҳолда Иблиснинг
элчиси бўлиб қоласиз.

Бир киши Ваҳб ибн Мунаббиҳ роҳимаҳуллоҳнинг ҳузурига келиб деди:

-Фалончи сизни сўкиб ҳақоратлади!

Ваҳб деди:

- Шайтон сендан бошқа элчи топмадими?!

Абдулқодир Полвонов